

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Янгийул шахрига йўлингиз тушса, бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўласиз.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЯНГИЙЎЛ



Бунёдкорлик

Президентимизнинг вилоятимиз, жумладан, Янгийул шахрига ташрифи давомида белгиланган чора-тадбирларга асосан, "Тошкент - Душанбе" автомобиль йўлининг ёқасида **12 та 7 қаватли уй-жойлар** қурилиб, айни кунларда ушбу объектлар фойдаланишга топширилиш арафасида.

Қурилиш-монтаж ишлари "Ўзшаҳарқурилишинвест" ИК, "Амир Макс", "Мега Транс" ҳамда "Тошкент вилояти махсус қурилиш" бинокорлик корхоналари томонидан олиб борилмоқда. Кўп қаватли уйларга сув ва канализация ўтказиш "Тошкентнефтьгазқурилиш" АЖ билан тузилган **2 миллиард 400 миллион** сўмлик шартномага кўра амалга оширилмоқда. Бугунги кунгача 600 миллион сўмлик иш бажарилди.

Шунингдек, "Ихтисослашган Янгийул шаҳар деҳқон бозори" МЧЖ худуди реконструкция қилиниб, Марказий касалхонага қарашли акушерлик комплекси, терапия, тез тиббий ёрдам бинолари капитал таъмирланди.

Ўз мухбиримиз

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш самардорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг **Ихтисослаштирилган филиалини** (кейинги ўринларда – Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Филиалнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

юриспруденция соҳасида базавий ва амалий касбий тайёргарликни таъминлашга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган замонавий шакл ва усуллар, ахборот-коммуникация технологияларини қўлланган ҳолда ўқув жараёнини таълим беришнинг модуль тизими асосида ташкил этиш;

таълим олувчиларнинг психологик тайёргарлиги, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

таълим олувчиларнинг аҳоли ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини такомиллаштириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини услубий ва консултив таъминлаш;

юрidik кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан, хоржий мамлакатлардаги муассасалар билан ўзаро самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Тошкент давлат юридик университетининг таркибий бўлими – юридик шахс мақомига эга олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳри ва бланklarига, мустақил балансига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилигида шахсий ҳисоб рақамларга эга бўлади;

Филиалга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тайинланган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Филиал директори меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосарига, директор ўринбосарлари эса – Тошкент давлат юридик университети проректорларига тенглаштирилади.

4. Куйидагилар:

Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали тузилмаси 1-иловага;

Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган филиалининг самарали фаолиятини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Филиал директори Тошкент давлат юридик университети ректори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда Филиал тузилмасига ходимларнинг белгиланган штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Давоми 2-бетда

Брифинг

ФАРОВОН ОИЛА – жамият равнақининг асоси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси томонидан Нурафшон шаҳрида "Фаровон оила – жамият равнақининг асоси" мавзусида брифинг ташкил этилди.

Мазкур брифинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 25 январдан 5 февралга қадар "Фаровон оила – жамият равнақининг асоси" мавзусидаги тарғибот ўн кунлиги доирасида ўтказилди.

Давоми 2-бетда

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«О, бу на (аҳвол?!!)»

Газетанинг шу йил 26 январдаги 7-сонидан юқоридаги сарлавҳа билан чоп этилган мақолада туман худудидagi 12-сонли мактабгача таълим муассасаси томонидан тайёрланган таклифномада иқтибос шаклида келтирилган Президентимизнинг сўзлари гиж-гиж хато билан ёзилгани танқид қилинган ва унинг фотолаҳзаси ҳам берилган эди.

Тахририятга мазкур мақола юзасидан Оҳангарон тумани ҳокими Ўттам Турсунов имзоси билан жавоб мактуби келди.

Хатда айтилишича, мақолада имловий ва стилистик хатолар борлиги ҳақли танқид қилинган. Шу муносабат билан туман ҳокими бошчилигида тегишли мутасаддилар билан ўтказилган йиғилишда газетдаги чиқиш муҳокама қилинган. Унда кадрлар саводхонлигини ошириш бора-бор кучайтириш, қитата ва сўзлардан ўринли фойдаланиш кераклиги ҳақида мутасаддилар қатъий огоҳлантирилган.

Шунингдек, 12-МТМ мудириси Н. Нурчаева ва муассаса ходимаси М. Самиевага жиддий огоҳлантириш берилгани қайд этилган.

Бугун – Алишер Навоий таваллуд топган кун ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

Шеърят мулкнинг султони Мир Алишер Навоий барча даврларда "Шамс ул-миллат" – "Миллат куёши" дея, эътироф этиб келинади. Чунки, ул зот бутун умрини туркий тил маънаеини кўтаришга, давлатчилик ишларини мустаҳкамлашга, жамиятда ҳақиқат ва адолат мезонларини қарор топтиришга бахшида этган. Қолаверса, ҳаммаша

халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйган. Бу сўзлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 578 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Эл нетиб топғай мениким" номли маънавий-маърифий тадбирда тилга олинди.



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат



«ҚАРОКЎЗУМ...»

Қарокўзум, келу мардумлиг эмди фан қилгил, Кўзим қаросида мардум киби ватан қилгил.

Бу сатрлар битилган вақтдан буён беш асрдан зиёд вақт ўтди. Неча-неча авлодлар дунёга келиб кетди, неча-неча тахтлар қулади, сулолалар кечди, замонлар алмашди. Қадимий жафокаш халқимиз бошидан не-не ҳодисалар ўтди, уруғчилик тарқоқлиги оша, беқликлар, хонликлар низолари, қиргинлари оша ўзбек халқ

бўлиб, миллат бўлиб бирлашди... Ва ҳануз буюк Навоий байтлари билан айтиладиган қўшиқ унинг вужудини ларзага солади, юсак туйгулар оламига етаклайди. Боиси шуки, Алишер Навоий каби даҳолар фақат ўз замонаси эмас, балки ҳамма замонларнинг шоири бўладилар. Улар тараннум этган туйгулар инсон юрагининг азалий ва мангулик хоссаларидир.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

Вилоят Халқ таълими бошқармасида "Коррупцияга қарши кураш, унинг асоратлари ва бунда жамоатчиликнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Учрашувда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши, вилоят прокуратураси, Халқ таълими бошқармаси ходимлари ва журналистлар иштирок этишди.

Йиғилишда таълим соҳасида коррупция ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари, йўл қўйилаётган камчиликлар, уларнинг оқибат ва асоратлари, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар ва кўрилатган чора-тадбирлар борасида ўзаро фикр алмашилди.

– Коррупцияга қарши кура-

шишимиз учун, энг аввало, билимли бўлишимиз керак, – дейди ХДП вилоят кенгаши раиси Н. Йўлдошева. – Афсуски, айрим ёшларда ўқишга бўлган қизиқиш анчайин сусайган. Биз, аввало, уларнинг дунёқарашини ўзгартиришимиз керак. Шундангина кутилган натижага эришамиз. Хусусан, коррупцияга қарши кескин курашлар натижасида, бу йил олий ўқув юрларига кириш имтиҳонлари анчайин шаффоф ўтди. Бу, ўз навбатида, билим борларга кенг йўл очган



бўлса, бошқа тарафдан, ёшлар онгиди: "Ўз кучи, билими билан ўқишга кириш мумкин экан, демак, яхши ўқиш керак", деган тушунчани мустаҳкамлайди.

Худди шундай тадбир Ўрта Чирчиқ туманида ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ш. Бурҳонов, вилоят прокуратураси ходими Б. Қудратов сўзга чиқдилар.

Ўз мухбиримиз Раваш МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар

Долзарб мавзу

ЮЗАКИ МУҲОКАМАЛАР, «ХЎЖАКЎРСИН» БАЁННОМАЛАРДАН НИМА НАФ?

Жинойатчиликни жилавлан – мамлакат тараққиётида муҳим омил. Олиб борилаётган ислохотларнинг самараси, тизимли давом этиши энг аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва осуда ҳаёт кечирishi қай даражада таъминланганлигига боғлиқ.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

5. Белгилансинки:
Филиалда "ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш" соҳа мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш кундузги таълим шаклида бакалавриятнинг махсус уч йиллик дастури бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади;

Филиалда "ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш" мутахассислиги бўйича олий ноюридик маълумотга эга бўлган кадрларни қайта тайёрлаш кундузги таълим шаклида махсус олти ойлик дастур бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади;

Филиалда ўқитиш давлат грантлари асосида амалга оширилади;
Филиал бакалавриятга қабул квотаси йилга 255 кишини, кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича эса – ҳар олти ойда 50 кишини ташкил этади;

Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг бюжетларида мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олиб, Филиалга қабул квоталарини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқи берилди;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан алоҳида шахсларни юридик кадрларни тайёрлаш дастурлари бўйича белгиланган квоталар (давлат грантлари)дан ташқари Филиалда ўқитиш учун тўловни амалга ошириш ҳуқуқи берилди;

Филиал дипломининг мажбурияти ички ишлар органларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида махсус касбий тайёрликни ўтмасдан, "лейтенант" махсус унвони берилган ҳолда хизматга қабул қилиш учун асос бўлади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра:

бакалаврият дастури бўйича Филиалга қабул танлов асосида амалга оширилади;

Филиалга қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқишга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ва Миллий гвардия кўмондони тавсиялари асосида олий ноюридик маълумотга эга бўлган амалдаги ходимлар ва ҳарбий хизматчилар белгиланган тартибда эгаллаб турган лавозими ва пул таъминоти сақлаб қолинган ҳолда қабул қилинади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларига ўрнатилган қабул квоталари доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланган алоҳида квоталар бўйича Филиалга ўқишга кириш учун танловда иштирок этиш ҳуқуқини тақдим этадиган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиқларининг тавсиялари берилиши мумкин;

Филиалда ўқишни тамомлаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида камида 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини оладилар;

Филиал суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар, шунингдек, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар мутахассислари ва бошқа мутахассисларни ўриндошлик тартибда ёки меҳнат соатбай ҳақ тўлаш шартларида педагогик фаолиятни амалга оширишга жалб этиш ҳуқуқига эга;

Тошкент давлат юридик университети фаолиятини тартибга солиш нормалар, агар қонунчилик ёки университет қарорлари билан бошқа қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Филиал фаолиятига ҳам таъбиқ этилади.

7. Филиалнинг Васийлик кенгаши 3-иловага мувофиқ тартибда ташкил этилсин. Белгилансинки, Васийлик кенгаши Филиалнинг ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашади, жумладан:

манфаатдор вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш учун Филиалнинг молиялаштирилишини таъминлайди;

Филиалнинг педагог ва бошқа ходимларининг меҳнат шaroитлари ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича чораларни кўради;

олий юридик таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи янги шакл, дастур ва истиқболли ташаббусларни, илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали жорий этишда кўллаб-қувватлашни амалга оширади;

ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шериклик келишувлари тузилиши ва уларни рўйбга чиқаришда мувофиқлаштиришни амалга оширади;

таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашади.

8. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Филиалда таълим олиш учун тўланган маблағлар;

бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия институтининг грантлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал таъминоти учун бюджет маблағлари 2019 йилда Адлия вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ижтимоий соҳа учун тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрларида назарда тутилади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларидан ишга қабул қилинган Филиал ходимларига олдинги иш жойидаги барча устама ва қўшимча тўловлар, таъбиқ хизмат кўрсатишнинг имтиёз ва шартлари уларни тегишли органнинг амалдаги кадрлар захирасига қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказган ҳолда сақлаб қолинади;

Филиалнинг ходимларига Тошкент давлат юридик университетининг тегишли

лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари таъбиқ этилади;

Филиал ходимларига мартаба даражалари ва узоқ йиллик хизмати учун устама ва қўшимча тўловлар тўлаш бўйича харажатларни бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражалари қонунчиликда белгиланган тартибда берилади;

Ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажарган Филиал ходимларига директор буйруғи асосида Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда тариф ставкасининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгиланиши мумкин;

Филиал ходимларига тариф ставкасининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамаларни тўлаш учун маблағлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик университетининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ажратилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг Филиални бегараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қулоқтепа кўчаси, 9-уйда жойлашган бино ва иншоотларида жойлаштириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар ҳудудларнинг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда Тошкент давлат юридик университетининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш юзасидан тақлифларни киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва Миллий гвардияси билан биргаликда икки ой муд-

датда Жиззах политехника институти негизида мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Жиззах вилояти ички ишлар органларининг олий ноюридик маълумотга эга бўлган ходимларини қайта тайёрлаш сайёр курсларини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси билан биргаликда Тошкент шаҳар ҳокимияти кўмағида икки ой муддатда чет эл ўқув марказлари ва таълим муассасаларига танишув сафарларини ташкил этишни назарда тутган ҳолда пойтахт ҳудудининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги илгор хорижий тажрибанинг ўрганилишини таъминласин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

12. Тошкент шаҳар ҳокими белгиланган тартибда Филиал бино ва иншоотларининг замонавий талаблар асосида реконструкция қилинишини ҳамда юклатилган вазифаларнинг ўзига хос жиҳатлари ва таълим олувчиларнинг яшашини инобатга олган ҳолда унинг иштини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган мебель, ўқув-лаборатория ва криминалистик асбоблар, компьютер техникаси ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини таъминласин.

13. Филиалга иккита энгил, шу жумладан, битта шахсан бириктирилган автотранспорт воситаси таъминоти учун лимит белгилансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж. А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 7 февраль

Бошланғич 1-бетда

Ҳукумат қарори билан Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Унга қўра, якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини олиш эндиликда "E-JIRO AUKSION" да электрон аукционлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

ИМОРАТ ҚУРИШГА
ЕРИНГИЗ БОРМИ?

Куйидагиларга ер участкалари 0,04 гектаргача аукционсиз ариза асосида берилади: ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига; давлат ва хусусий уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган уй-жойни туман ҳокимликларига ўтказётган фуқаролар ва мулкдорларга.

Аукционда иштирок этишга бюжетманомалар хабарнома жойлаштирилган кундан бошлаб "Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази"нинг веб-порталида автоматик тарзда бошланади ва аукционни ўтказиш кундан икки иш кунин олдин (соат 13:00 да) якунланади.

Бошланғич нарх сифатида аукцион объектининг минимал қиймати тенг нарх белгиланади. Аукцион куйидаги ҳолатларда ўтказилмаган деб ҳисобланади:

аукционда иштирок этиш учун иккитадан кам иштирокчи қўйилган бўлса;
аукционнинг бирорта иштирокчиси ер участкасини аукцион жараёнида тақлиф этилган нархда сотиб олиш истагини билдирмаган бўлса;
аукцион голиби ва лотни сотиб олиш тақлиф этилган охиридан олдинги ставкани қўйган иштирокчи унинг баҳосини белгиланган муддатда тўлиқ тўламаса.

Аукцион голиби аукцион якунланган кундан бошлаб беш иш кундан кечиктирмай ер участкасининг пулини тўлаши лозим. Йўқса, аукцион натижаси бекор қилинади ва голибдан кейин ер участкасининг нархи бўйича энг юқори ставкани қўйган аукцион иштирокчисига ер участкасини олиш ҳақида тақлиф юборилади.

Манба: "Ҳуқуқий ахборот" канали.

ФАРОВОН ОИЛА — ЖАМИЯТ РАВНАҚИНИНГ АСОСИ



Унда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш вилоят кенгаши ва улар-

Бошланғич 1-бетда

нинг туман ва шаҳар бўлимлари масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Брифингда "Оила" маркази ходимларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ҳар бир оила билан яқиндан тани-

шиб, улар билан мулоқотлар олиб бориш орқали илмий тадқиқотларга эришадигани ҳақида сўз борди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга кўмак бериш, нотинч оилаларни, ажралиш арафасида

турган ёшларни марказга келтириш маркази ходимларининг биринчи галдаги вазифаси экани таъкидланди.

Бундан ташқари, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича энг аввало "Соғлом оила – соғлом жамият" концептуал ғоясини ҳаётга таъбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, бу соҳада қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Озод Парпиева сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

ПАРКЕНТДА САЛКАМ 200 ТА ДАРАХТ НОҚОНУНИЙ ТАРЗДА КЕСИБ ТАШЛАНДИ

Вилоят Экология ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари салкам 200 та дарахтнинг ноқонуний кесиб кетилганини аниқлашди. Бу ҳақда daryo.uz интернет нашри хабар бермоқда.

Паркент туманидаги "Қўшчиноқ" дам олиш парки ҳудудида қайрағоқ, арча, айлант ва акация каби дарахтларнинг жами 280 таси тагидан кесиб ташланган.

Бу ерда спорт мажмуаси қурилиши режалаштирилган бўлиб, ташкилотчиларда Паркент тумани ҳокимининг 82 та дарахт (35 та айлант, 15 та қайрағоқ, 10 та терак, 10 та акация ва 12 та арча)ни

кесиб рухсат берувчи қарори бўлган. Шундай қилиб, ноқонуний йўл билан 198 та дарахт кесиб ташланган. Шу тариха ўсимлик дунёсига 229,9 миллион сўмлик зарар етказилган.

Давлат экология кўмитаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, аниқланган қоидабузарликлар бўйича тўпланган ҳужжатлар прокуратура органларига тақдим этилган.



@haqiqatonline

БОЛАЛАРНИ ЎҚИГАНЛАРИ ҲАҚИДА ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ КЕРАК



Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг вилоят бошқармаси томонидан ўтказилган мазкур тадбирдан асосий

мақсад ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёзувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқотни янада яхшилаш, болалар адабиётини ривожлантиришга мамла-

Нурафшон шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда "Болаларни ўқишга ўргатишдан кўра, ўқиганлари ҳақида фикрлашга ўргатиш муҳимроқ" деган тамойил илгари сурилди.

Учрашув

катимиз раҳбарияти томонидан берилаётган эътиборни кенг жамоатчиликка етказиш, Ўзбекистонни бой миллий адабиёт орқали дунёга тараннум этиш борасидаги белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда китобнинг ўрни ва аҳамиятини оширишдан иборат.

Тадбирда мазкур бошқарма бошлиғи Зарифа Эралиева, "Наврўз" нашриёти директори Илҳом Халилов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзолари Шодмон Отабек ва Мухиддин Полвон, ёзувчи, шоир Шерзод Ҳикматов ва бошқалар иштирок этишди.

Тадбирда шоир ва ёзувчилар ўқувчиларга ўз ҳаёт йўлларидан эришган улкан марралар ҳамда ютуқлари хусусида сўзлар экан, бу йўлда китобнинг ўрни бекиёслигини алоҳида таъкидладилар. Тадбир давомида ёш қаламкашлар ижод намуналаридан ўқидилар.

Мактаб ўқувчилари учун китоб кўргазмаси ва ярмаркалари ташкил этилди ҳамда "Энг яхши китобхон" танлови ўтказилди.

Тадбир сўнггида танлов голиблари ҳамда ҳаваскор ижодкорлар китоб тўпلامлари билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз

Партиялар
ҳаётидан

Кибрай туманидаги "Дўрмон" маданият ва аҳоли дам олиш марказида "Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

ТАШАББУС ВА
ФАОЛЛИК
ЭЪТИРОФИ

Танловда шаҳар ва туманларда голиб бўлган 18 нафар фаол аёл 3 шарт бўйича ўзаро беллашишди. Иштирокчилар томонидан янги иш ўринлари яратиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишида тақдим этилган лойиҳалар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

– Мазкур танлов фаол хотин-қизлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда, – дейди партия вилоят кенгаши сектор мудири Махлиё Отабоева.

– Кувонарлиси, танловга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораётди. Хусусан, 500 га яқин аёл танловнинг шаҳар ва туман босқичида иштирок этиш истагини билдирди.

Яқуний натижаларга қўра, биринчи ўринни оҳангаронлик Саида Ибрагимова қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўрин Чирчиқ шаҳридан Нилуфар Кошоновага насиб қилди. Бўстонлиқ вакиласи Лаззат Тасибоева эса учинчи бўлди.

Ҳумоюн ЎҚТАМЖОНОВ

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларида кўпга кўпайиб кетган мавзулардаги мақолалар, кўрсатувлар тайёрланмоқда. Оммада жиноятчиликка муросасиз кайфият уйғотишга қаратилган мақолаларда, уларнинг туб моҳияти имкон қадар очиб берилаяпти.

Ўтган йилнинг 27 июль куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг ҳолати, ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида жуда кўп вазифалар белгилаб берилган.

Хўш, давлатимиз раҳбари танқидий-таҳлилий руҳда ўтказган йиғилишдан кейин жойларда, айниса, маҳаллаларда жиноят муҳокама қай тарзда олиб борилмоқда?

Бу саволларимизга Юқори Чирчиқ туманидаги "Ийк ота" ва "Гулбоғ" маҳаллалари фаолияти мисолида жавоб топишга ҳаракат қилдик. "Ийк ота" маҳалласи идорасига киришимиз билан хайратдан ёқа ушладик. Гап шундаки, маҳалла идораси учун туманининг 23-сонли умумтаълим мактаби ҳудудидан иккита хона ажратиб берилган, бироқ ишлаш учун ҳеч қандай шарт йўқ. Айниса, кишининг совуқ кунларида бу ерда умуман ўтириб бўлмайди. Хоналарда иситиш тизими йўқлиги учун кирган одам заҳдан бетоб бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Беш-олти нафар киши аранг сизагидан хонада иккита кичикроқ стол, битта шкаф, тўртта стул, эски компьютер ҳамда принтер бор, ҳолос. Иккинчи каттароқ хонани эса "Гулбоғ" МФЙ банд қилибди. Шундай қилиб, бир жойнинг ўзиде, ёнма-ён хонада иккита маҳалла идораси ходимлари "жавлон уриб" ишлашмоқда. Бу ердаги аҳвол ҳақидаги саволларимизга, афсуски, жавоб ололмадик. Босиб, иккала маҳалла раиси ҳам бу ҳақда гапиришни истамади. Уларнинг айтишича, вазиятга изоҳ беришса, туман мутасаддилари ноўғри тушуниши мумкин экан. Мана сизга "садоқат"!

Маҳалла идорасининг бундай аб-гор аҳолини кўриб, табиийки, жиноят муҳокамалари ривожланишига ўтказилаётганига шубҳаландик. Шу билан биргаликда идорада жамоатчилик комиссиялари ишни қай тарзда олиб бораётганини ҳар қанча уринсак ҳам тасаввур қилолмадик.

Шу ўринда бир муҳим жихатни айтмасак бўлмайди. Маҳалла ҳақида гап кетганда оғиз тўлдириб, уни аҳолига энг яқин бўлган аънавий демократик бошқарув тизими деймиш. Хукук ва ваколатларини санаганда, кўлимиздаги бармоқларимиз етмай қолади. Жамият бошқаруви тизимидаги ўрни ва роли билан фахрланган, керак бўлса бутун дунёга намуна қилиб кўрсатишга борамиз. Адо-

лат тарозусининг бир палласига ана шу ташбеҳларни, иккинчисига "Ийк ота" ва "Гулбоғ" маҳаллаларининг фаолиятини кўйинг...

Дарвоқе, маҳаллаларда жиноятчилик муҳокамалари қандай ўтказилаётганини ўрганиш масаласида келганимизни айтиб, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раҳбари Шухрат Темуровга учрашган эдик. У киши бизга бу борада ибратли маҳалла деб айнан "Ийк ота"ни тавсия қилган эди. Мутасаддининг гапига ишониб келдик, лекин...

Хуллас, "Ийк ота" ҳудудида 582 хонадонда 2 минг 436 аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йили "намунали" маҳалла ҳудудида 22 та жиноят содир этилган. Маҳаллада жиноятчилик муҳокамалари ўтказилганини тасдиқловчи

Долзарб мавзу

ЮЗАКИ МУҲОКАМАЛАР, «ХЎЖАКЎРСИН» БАЁННОМАЛАРДАН НИМА НАФ?

расмий ҳужжат ҳисобланган йиғилиш баённомаларини кўздан кечирдик. Афсуски, ҳужжатлар жойида эмас. 22 та мажлис баённомасидан фақат 11 тасини тақдим қилишди. Бирок, маҳалланинг "юзи-кўзи" бўлган, бажаришга ишларни акс эттирадиган ўша ҳужжатларда ростмана муҳокамани учратмадик. Маҳалла котибаси Мохилул Исмаилова жиноят муҳокамаларига бағишланган мажлис ўтказилганини қайта-қайта такрорласади, лекин буни тасдиқловчи ҳужжатларни сўраганимизда ер чишиб қолди.

Баённомаларнинг айримларини таҳлил қилсак. Масалан, 2018 йил 22 май кундаги мажлис баённомасини олайлик. Ўша кун жиноят муҳокамаси қаерда ўтгани номаълум бўлсада, унда туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Б. Абдурахмонов, худуд профилактика инспектори, майор З. Ҳожиев, маҳалла посбони ва маҳалла фаолларидан жами 37 киши иштирок этгани қайд қилинган. Мажлис кун тартибига фуқаро А. ва Б. (улар 2001 йилда туғилганлиги ҳам қайд қилинган) 20 май куни фуқаро Д. га нисбатан содир этган жиноятнинг муҳокамаси қўйилган экан.

Афсуски, ҳужжатда ўсириллар фуқаро Д. га нисбатан қандай жиноят содир этгани қайд қилинмаган. Бор-йўғи бир ярим қоғоз шошмашошарлик билан қоралаб қўйилган. Бирор жўяли жумла йўқ. 37 кишилик мажлис баённомасида бундай жиноят маҳалла учун уят эканлиги қайд қилинган, ҳолос. Лекин, айнан қайси жиноят?

Йиғилишда сўзга чиққан худуд профилактика инспектори, майор З. Ҳожиевнинг "нутқи"ни ўқиганимизда эса...

Газетонга тушунарли бўлиши учун баённомадан айнан иқтибос келтира-миш: "... Ийк ота профилактика инспектори, майор З. Ҳожиев 20 май куни фуқаро А. ва Б. фуқаро Д. га нисбатан жиноят содир этган бўлиб, республикада қонун устуворлиги таъминланганлиги содир этилган ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларга жазо муқаррарлигини яна бир бор эслатиб, фуқароларимизни, айниса, ёшларимизни жиноятга қўл урмаслик-лари ва уни олдини олишга барчамиз масъул эканлигимиз ёшларимизни доимий равишда назорат қилиб борсак, бундай ҳодисалар рўй бермаслигини олдини олган бўлар эдик, бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғини, маҳалла фаоллари ва профи-лактик нозир билан ҳамкорлик иш-лари қучайтирилган ҳолда олиб бо-риш керак..." (Жумладаги гализлик-лар иқтибос матнга тегишли).

Мана сизга ички ишлар ходимининг долзарб масалада айтган гаплари...

Унинг худуддаги жиноятларнинг са-баблари, улар содир этилишига за-мин яратётган омиллар ҳамда жино-ятларни фож қилиш ва айбдор шахс-ларни жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижалари муҳокамаси қаерда қолди? Аравани қуруқ олиб қочишдан кимга наф?

Шунингдек, "Ийк ота" МФЙ про-филактика инспектори, майор З. Ҳо-жиев 2018 йил 10 май куни бўлиб ўтган йиғилишда ўз жонига қасд қил-ган аёлнинг хатти-ҳаракати ҳақида сўзлаган "нутқи"да ҳам айнан шун-дай мазмундаги гапларни гапир-ган экан...

Кўлимиздаги 11 та баённома-нинг лоақал би-рор тасида асл жиноят муҳока-маларини уч-ратмадик. Йиғилиш сўнггида қарор-ларда тарғибот-ташвиқот ишларини қучайтириш, кўчаларга камералар ўрнатиш, ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликни қучайтириш каби умумий вазифаларни белгилаш бил-ан чегараланишган. Ижроси билан эса ҳеч ким шугулланмаган кўрина-ди, йўқса, бажарилган ишлар ҳақида-ги ҳужжатлар билан танишган бўлар эдик.

Энди ёнма-ён хонада жойлашган "Гулбоғ" МФЙда бўлиб ўтган жиноят муҳокамаларига бағишланган йиғи-лишларга тўхталиб ўтсак. Мазкур ма-ҳалла ҳудудида аҳоли сони 2 минг 791 нафар бўлиб, улар 624 та хона-донда истиқомат қилишади. Ўтган йили маҳалла ҳудудида 12 та жиноят содир этилган. Маҳалла раиси Раё-но Мирзалиевадан жиноят муҳокамаларига бағишланган ҳужжатларни сўраганимизда у киши бор-йўғи 2 та баённомани тақдим қила олди, ҳолос. Бир баённомада талончилик, ик-кинчисида эса ўғрилиқ жинояти

ҳақидаги тафсилотлар ёзилган экан. Ҳар икки йиғилишда 33 киши ишти-рок этгани қайд қилинибди. Уларда маҳалла раиси бундай жиноятлар бош-қа такрорланмаслиги учун барчани бир ёқадан бош чиқаришга чақириб, кўчаларда шубҳали кўринган фуқаро-лар ҳақида тезда профилактика нозир-и ёки маҳалла фаолларига хабар бериш кераклигини айтган.

Ўтган йилнинг 17 май куни ўғри-лик жиноятига бағишлаб ўтказилган йиғилишнинг жойи номаълум. Талон-чилик жинояти юзасидан йиғилиш қаерда ўтказилгани кўрсатилмаган, санаси ҳам маълум эмас. Номаълум санада бўлиб ўтган мажлисда бошқа вилоятдан келган икки фуқаро, худуд-да рўйхатдан ўтмасдан вақтинча яша-ётган бошқа бир фуқарога нисбатан талончилик қилишгани ёзилган. Жи-ноят тафсилотидан кейин сўз олган ИИБ бошлиғи ўринбосари, подпол-ковник Б. Абдурахмонов "...Йиғилиш қатнашчилари худудимизда рўйхат-

сиз яшаётган фуқароларни рўйхати-ни шакллантириб, доимий рўйхатда бўлган манзилга қайтариш ишлари-ни амалга оширишимиз керак, ҳар бир фуқарони ҳушёрликка ва огох-ликка чақираман, бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун барчамиз масъулдимиз", дебдию қўйди. Қўйил-е, туман ИИБ мутасаддисининг "залворли" "нутқи"дан олам-олам маъно олса бўлади.

Шу икки йиғилиш-нинг ҳужжатлари худ-ди эгизаклардек ўхша. Уларда про-филактика нозир Ф. Турғуновнинг зиммасига огох-ликни қучайти-риш, маҳалла хо-димлари билан ҳамкорлик қилиш, ўз вақтида тушун-тириш ишларини олиб бориш каби умумий вазифалар белгиланган. Иж-росига оид бирор бир ҳужжатни уч-ратмадик.

Хуллас, бу икки маҳаллада ханузгача эскича ишлашдан тўлиқ воз кечилмаган. Нима учун бундай лоқайдлик ҳа-ли хануз давом этмоқда? Маҳал-ла раислари, туман сек-тор раҳбари Юртбошимиз таша-буси билан жиноятчиликни жиловлаш бўйича ташкил қилинган "Жиноят ҳақиқати ва адолат" деб номланган тизим-дан беҳабарми?

Айнан ўша йиғилишда жиноятчи-ликни жиловлаш ишларини бутунлай янгича тизимда ташкил этиш бўйича топшириқ берилган эди. "Жиноят ҳақиқати ва адолат" деб номланган тизимга мувофиқ, жиноят содир этилган жойларга масъул раҳбарлар бориб, унинг сабабларини ўрганиши,

муҳокамасини ташкил қилиши, шун-дай ҳолат такрорланишининг олди-ни олишга қаратилган аниқ чоралар кўриши, телевидение, радио ва га-зетада бонг уриши керак эди. Минг афсуски, "Ийк ота" ва "Гулбоғ" МФЙлари фаолиятида бу тизимни умуман кўрмадик.

Суриштирувларимиздан маълум бўлишича, худуд туман давлат солиқ инспекциясининг бошлиғига тегишли секторда экан. Солиқ идорасининг раҳбари яқинда тайинлинибди. Ўтган йилдаги раҳбар бирорта муҳокамага келмаган...

Бундай бепарволиклар бу йилда ҳам содир бўлмаслиги, аксинча, янги тайинланган сектор раҳбари жиноят му-ҳокамаларида шахсан иштирок этиб, аҳолида жиноятчиликка муросасиз кайфиятни янада оширишда фаоллик кўрсатади, деб умид қиламиз.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ту-ман бўлими раҳбари Шухрат Темуров-дан бу икки маҳалла учун қачон рисо-ладагидек шарт-шароитлар яратили-шини сўрадик. У киши бу масалалар шу йилнинг ўрталарига ҳам бўли-шини айтди. Айтишга айтдию, лекин унинг гаплари унчалик ишонарли чи-қмади.

Биз шу икки маҳалла фао-лиятидан яна хабар олишни ни-ият қилдик. Ишлаш ўрнига турли баҳоналари рўқча қи-ладиган сектор раҳбарлари-га эса Президентимиз жо-рий йилнинг 8 январь куни имзолаган "Худудларни ком-плекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сек-торлар фаолиятини янада та-комиллаштиришга доир кў-шимча чора-тадбирлар тў-ғрисида"ги Қарорини эслатиб ўтишни лозим топдик.

Қарорга кўра, эндиликда сектор-ларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун сектор раҳбарларининг асослантирилган сўровларига муво-фиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман-лар (шаҳарлар)нинг қўшимча манба-лари ҳисобидан маблағлар мақсад-ли йўналтирилади.

Йил якунларига кўра, фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришган сек-торларни рағбатлантириш мақсади-да "Энг намунали сектор", "Энг та-шаббускор сектор раҳбари", "Энг фаол сектор штаби аъзоси" номина-циялари бўйича республика танлови ўтказилади.

Баҳолаш натижасига кўра, энг юқори кўрсаткичга эришган 2 нафар сектор раҳбари автотранспорт воси-таси билан тақдирланади, секторлар фаолиятини намунали ташкил этган раҳбарлар ва унинг ишида фаол қат-нашган бошқа штаб аъзолари қим-матбаҳо совгалар билан муқофотла-нади. Ақсинча, фаолияти самарасиз деб баҳоланган сектор раҳбарлари-га нисбатан эгаллаб турган лавози-мидан озод этишга бўлган инти-зомий жазо чоралари қўлланилади.

Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Қачонки уни тағ-томири билан йўқота олсак, жамиятимизнинг, сизу бизнинг чинакам галабамиз шу бўлади.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Спорт хабарлари

ЁШЛАР ҲАФТАЛИГИ
Вилоятимиз бўйлаб "Ёш-лар ҳафталиги" доирасида спортнинг турли йўналиш-лари бўйича мусобақалар ўтказилди.



Жумладан, Қибрай туманидаги 1-мактабда бадий гимнастика бўйича қизлар ўртасида туман биринчили-ги мусобақаларида 89 на-фар ёш гимнастикачи иш-тирок этди.

Куйи Чирчиқ туманидаги 10-мактабда 3-4- ва 5-6-синфлар ўртасида "Кувнок стартлар" спорт мусобақа-си ўтказилди. Қизиқарли шартларда 100 нафарга яқин ўқувчилар қатнашиш-ди.



Чиноз туманидаги 10-умумтаълим мактабда 1-4-синфлар ўртасида шахмат бўйича мактаб биринчили-ги мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада жами 60 нафар ўқувчи иштирок этди, улар-нинг 28 нафари қизлар эди.



Пискент туманида эркин кураш бўйича И. Тўрахонов хотирасига бағишлаб ўтказилган очиқ турнирда Пар-кент тумани, Олмалик, Бе-кобод, Оҳангарон, Ангрэн шаҳарлари ва пойтахти-миздан 2001-2007 йиллар-да туғилган 180 дан ортиқ



ўғил бола иштирок этди. Жамоавий натижаларга кў-ра, 1-ўрин Пискент тумани, 2-ўрин Олмалик шаҳри, 3-ўрин Тошкент шаҳри жа-моаларига насиб этди. "Ёшлар ҳафталиги" му-собақаларининг голиб ва совриндорлари туман жис-моний тарбия ва спорт бўлими ҳамда ҳомиёлар томонидан диплом ва эс-далик совгалари билан тақ-дирландилар.

ХУДУДИГИЗДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИГА БАҲО БЕРИНГ

Куйида вилоятимиз абитуриентларининг 2018 йил-да ўқишга кириш кўрсаткичи бўйича тузилган рейтингни эътиборингизга ҳавола қилаёلمиз. Ушбу рей-тинг туман/шаҳар кесимида тайёрланган.

Айтиш керакки, бу жадвал орқали худудларда таъ-лим сифатига қанчалик эътибор берилганлигини би-либ олиш қийин эмас.

Туман (шаҳар)ингиз нечинчи ўринда?

	абиту-риентлар	талаба бўлган-лар	фоизда
1 Чирчиқ шаҳри	2058	361	17,5 %
2 Оҳангарон шаҳри	135	18	13,3 %
3 Олмалик шаҳри	2949	384	13,0 %
4 Бўстонлиқ тумани	2160	255	11,8 %
5 Ангрэн шаҳри	3246	373	11,5 %
6 Бекобод шаҳри	1443	163	11,3 %
7 Бўка тумани	2260	256	11,3 %
8 Юқори Чирчиқ тумани	1460	161	11,0 %
9 Қибрай тумани	3697	404	10,9 %
10 Паркент тумани	3509	384	10,9 %
11 Оҳангарон тумани	2582	274	10,6 %
12 Бекобод тумани	4142	433	10,5 %
13 Ўрта Чирчиқ тумани	3316	334	10,1 %
14 Янгийўл шаҳри	181	18	9,9 %
15 Пискент тумани	2447	242	9,9 %
16 Оққўрғон тумани	1878	182	9,7 %
17 Куйи Чирчиқ тумани	1406	137	9,7 %
18 Янгийўл тумани	3019	277	9,2 %
19 Зангиота тумани	4580	419	9,1 %
20 Чиноз тумани	2038	173	8,5 %
21 Тошкент тумани	384	31	8,1 %

(ДТМ маълумотлари асосида тайёрланди)

ВАЛЮТАФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноят-ларга қарши курашиш департаментининг вилоят бошқармаси ходимлари томонидан Тошкент кичик ҳалқа йўлида ўтказилган текшир тадбирда фуқаро С.С. фуқаро С.Х.га жами 10 минг АҚШ долларини ҳар бир долларни 8,5 минг сўмдан ҳисоблаб, эва-зига унинг пластик картасидан 100 миллион сўм маб-лағни ечиб олиш орқали сотаётган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олинган.

Бош прокуратура матбуот хизмати хабарига кўра, мазкур ҳолат юзасидан С.С.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борил-моқда.

@haqiqatonline

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Чилонзор фи-лиали Чилонзор тумани ИИОФМБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бино-сида филиалга қарашли 3-сонли тўлов шаҳоб-часи ҳамда 26003314-сонли валюта айирбош-лаш шаҳобчасига: 1 дона DS-7608NI-Q2/8P 8 каналли видеореєстратор (NVR), 4 дона DS-2CD2142FWD-IS-IPFULL-HD 4 МР русумли ви-деокузатув камераси, 2 дона Wanlin (гольф ми-крафон) микрофони, 2 дона WD60PURX-78 6 ТБ қаттиқ диск, 1 дона (гелевий аккумуляторли) UPS, 1 дона қурилмалар учун темир шкаф (теле-коммуникациявий), 2 дона DS-3E0109P-E (POE SWITCH) қурилмаларидан иборат видеоку-затув тизимини ўрнатиш ишларининг лойиҳа-смэти ҳужжатларини ишлаб қучувчи корхона ва ташкилотлар ўртасида

Танлов эълон қилинади!

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Тошкент шаҳ-ри, Чилонзор тумани, Ц-мавзе, Мехр кўчаси.

Телефон: (71) 276-55-82.

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона му-ҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичиде қабул қилинади.

@haqiqatonline

ЭШИТМАДИМ, ДЕМАНГЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томо-нидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий суди раҳбарияти ва Олий суд судьяларининг 2019 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида жисмоний ва юри-дик шахсларнинг вакилларини бевосита жойларда сайёр қабул қилиш бўйича тадбирлар" режасига кўра Олий суд раисининг ўринбосарлари, вилоят, туман судлари раислари томонидан жорий йилнинг **10 февраль куни соат 10:00 дан 14:00 га қадар** Тошкент вилояти туман (шаҳар) Ҳалқ қабулхоналари биноларида

САЙЁР ҚАБУЛЛАР ЎТКАЗИЛАДИ.

«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошириш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига АТ "Халқ банки" Юқори Чирчиқ филиалининг 04.02.2019 йил-даги №09-04/11-сонли буюрт-маномасига асосан ўз тасар-руфида бўлган Тошкент вило-яти, Юқори Чирчиқ тумани, Ян-гизобор кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 44-уй манзилида 972 кв.м. ер участкасида жойлаш-ган умумий майдони 891,48 кв.м., бошланғич нархи - 1 980 000 000 сўм бўлган банкнинг эски маъмурий биноси қўйил-моқда.

Аукцион савдолари 2019 йил 25 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод ту-мани, Истиқбол кўчаси, 34-уй манзилда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 25 февраль куни сотилма-ган тақдирда, такрорий савдо-лар 2019 йил 12 ва 27 март ку-нлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк ва-вилан буюртмачи ташкилот ва-

«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошириш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

киллари иштирокида бевоси-та манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилот-чиси билан тузиладиган зака-лат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдо-рида закатлат пулини тўланган-лигини тасдиқловчи ҳужжат би-лан бирга куйидаги ҳужжатлар-ни тақдим қилишлари шарт:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишоннома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусха-си илова қилинган ҳолда;
- жисмоний шахслар - пас-порт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколат-ли вакил учун қонун ҳужжатла-рида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончно-

ма, унинг шахсини тасдиқлай-диган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси белгиланган санадан бир иш куни олдин тўхтатилади. Сав-до голибди аукцион савдоси натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган сана-дан бошлаб 5 кун ичиде со-тувчи билан олди-сотди шарт-номаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закатлат пулини тўлаш учун реқвизитлар: "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ. Х/р: 20208000100757166001. АТ "Халқбанк" Тошкент шаҳар фи-лиали амалиёт бўлими. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол к

Бугун — Алишер Навоий таваллуҳ топган кун

Биз Навоий ва Бобур, Фузулий ва Огаҳий, Машраб ва Муқимий, Нодира ва Фурқат сингари ўтмиш шоирларимиз ижодини севамиз, ўрганамиз. Чунки, уларнинг ижодий мероси бизни эзгуликка ундайди. Онаюртти, халқни фарзандлик меҳри билан севишга, руҳий покликка, вафо, садоқатга ўргатади.

Қароқўзум, келу мардумлиг эмди фан қилгил, Кўзим қаросида мардум киби ватан қилгил.

Бу сўзларда қанчалар вафодорлик, фидойилик бор, баркамол муҳаббат бор, шеърини ифода эса нақадар теран, жозибали, сержило. "Мардум" сўзининг икки маъноси бор. Мардум — одам, мардум — кўз гавҳари. "Қаро кўзум" дея мурожаат этади шоир севикили ёрга, келу мардумлиг, яъни одамлик, одамгарчилик фанини кўрсат, кўзум қаросида мардум киби,

Таковарингга бағир қонидан хино боғла, Итингга гамзада жон риштасин расан қилгил.

Шоирнинг юрак қони ёр отининг туёқларига хино бўлиш учун, жон риштаси — жон ипи итининг бўйнига расан, яъни тасма бўлиш учун фидо. Негаки, ошиқ шоир бағридаги қоннинг ҳар томчиси ишқ билан йўғрилган, жони вафо учун шу қадар фидоки, вафодорлик рамзи бўлган ёр итининг бўйнида қолишга тайёр.

Кейинги байтда ошиқ шоир чархага — тақдири азал тимсоли бўлган фалакка мурожаат этади: Мен-ку бутун умрим, жоним, вужудимнинг ҳар бир зарраси-да ёр муҳаббатига фидо, ҳижронда адо бўлиб бу дунёдан ўтарман. Замон-замонлар танимини фироқ чоғида тупроққа айлантиради. Лекин орзум шуки, эй



лосига мене бўлмайди. Инсон умри ҳам шу — у ниҳоясига етгач, ҳеч бир тадбирдан фойда йўқ. Демакки, тириклик ганимат, ёшлик ганимат, маъшуканинг ошиқ бошига солгучи укубатлари, ҳижрону жафолари гофилликдан, тириклик қадрига етмасликдан дандир.

Аммо ошиқ шунча тазаррулар сўнгиде яна ёрга вафою садоқатини шундай сўзлар билан ифода қилади:

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилгил.

Мен агар ёрнинг гул юзидаги гулобдек терни кўриб ўлсам, ўйламангки, бу гул, бу гулобни мен ортиқ кўрмоқни истамайман. Билъакс, мени гулоб билан ювинг, гул баргидан кафан қилингки, сўнгги йўлимда ҳам ёр хаёли менга ошно бўлсин.

Ғазал сўнгги байтга етиб келди. Шоир фидойилик, садоқат ҳақида, дунёнинг боқийлиги ва инсон умрининг фойдалиги ҳақида теран хаёлларга берилди. Ниҳоят, бу хаёлларнинг хулосаси сифатида шоир ўзига мурожаат қилади:

Навоий, анжумани шавқ жон аро тусанг, Анинг бошоглиқ ўқин шамъи анжуман қилгил.

Ошиқ юрагига ёрнинг бошоглиқ — қайтиб чиқмас ўқлари санчилган. Аммо, ошиқ бу ўқлардан озод бўлишни истамайди. У жон аро анжумани шавқ — шодлик баъзи тузиб, ёрнинг ўқларини шамъи анжуман — шамлар давраси қилиб ёқиб қўймоқчи. Демак, маъшуқа отган ўқлар ошиқ учун шодлик манбаи, нур манбаи.

тўлқинли ўримлар пиллапоясидан маъшуқа юзининг висолига етишди.

Кейинги байтда фикр мантикий ривожланади. Унинг маъноси бундай: бу дунёда гўзаллик ганимат, ёшлик ганимат. Бу ўткинчи ҳаётда ишқу висол бахтидан қувонмоқ керак.

Негаки: **Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монёв, Бу боғ томига гар игнадин тикан қилгил,** —

Яъни, хазон лашкари бостириб келгач, эй боғбон, бу боғ деворларига қанча тикан босиб гов қилмагин, барибир бу гов қузнинг исти-

Мана, "қаро кўзум" дея ёрга мурожаат билан бошланган бир ғазалнинг қисқача баёни. Бу ғазал инсоний туйғулarning ҳаётлиги, ҳаққонийлиги, бадий тафаккурнинг теранлиги билан, ташбиҳларнинг бойлиги, мукамаллиги билан фақат Навоий ижодининг эмас, балки кўп асрлик шеърятимизнинг энг нодир намуналаридан бири бўлиб қолади ва ҳали кўп замонлар шеърят мухлисларини ўзига ром этади.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин ВОҲИДОВнинг "Сўз латофати" китобидан

Сўз мўъжизаси

СИНАБ ҚҲРИШ УЧУН ҲҲИШ ШАРҲ!

Буюк сўз санъаткори Алишер Навоийнинг мазкур рубойини "шахмат" усулида, яъни вертикал ва горизонтал ҳолатда ўқинг ва ажиб сўз мўъжизаларидан завқ олинг. Икки ҳолатда ҳам сўзлар кетма-кетлиги ўзгармайди, маъно ҳам ўша-ўша:

Дилбар эрур тенгсиз жаҳонда, Эрур ангаҳамма хуштору банда. Тенгсиз хуштору шайдоси манам, Жаҳонда банда манам анга...

Қойилмасиз? Дарҳақиқат, бу улуг зотни мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони дидир! @haqiqatonline



ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

Унда Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг масъул ходимлари, академиянинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этишди.

Тадбирда навоийшунос олим Олимжон Давлатов буюк мутафаккирнинг ҳаёти ва ижод йўли, бизга мерос қолган нодир асарлари, Навоийни ўрганишнинг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида сўзлаб берди.

Шунингдек, Ўзбек миллий академик драма театри ва

Муқимий номидаги мусиқали драма театри актёрлари томонидан Навоийга бағишлаб яратилган сахна асарларидан парчалар ижро этилди. Бундан ташқари, мақом ансамблининг хонандалари шоирнинг ғазалларига басталанган кўшиқларни ижро этишди.

Тадбир доирасида кўргазма ҳам ташкил қилинди. Унда вилоятимизнинг моҳир хунармандлари Навоий даврини ёдга солувчи ижод намуналари билан қатнашишди.

Бошланиши 1-бетда **Зухриддин ҚАМБАРОВ**

«ҚАРОКЎЗУМ...»

яъни гавҳар каби ватан қилгил, макон қилгил. Биргина байтда неча маъно товланишлари — ҳам мардумнинг икки маъноси, ҳам "қаро кўзум"га муқобил "кўзим қароси" ифодаси — нақадар теранлик, нафосат, мукамаллик бор. Ошиқ ёрнинг фақат кўриб туришни эмас, кўз қорачиғига жоқ, лмоқни истайди ва қаён боқмасин, ойгами, гулгами, шабнамгами — барига ёр жамоли орқали боқишни орзу қилади, барига унинг тимсолини кўришни тилайди.

Севгили ёр ошиқ кўзининг қорачиғида ватан қилса бу унинг учун қувонч, катта байрам, ошиқ кўнгли боғ, равазга айланади ва бинобарин, маъшуқа юзининг гули бу равазда макон топади.

Юзинг гулгига кўнгли равзасин яса гулшан, Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилгил.

Яъни, кўзларимда гавҳар бўлиб жойлашганинг бахтидан боғ бўлган кўнглим юзинг гулшан уч, бу садоқатдан гулшанга айланган жоним қаддинг ниҳолига чаман бўлсин. Ёрга фидойий муҳаббат ихори кейинги байтларда янада ёрқин ифода этилган.

Бошланиши 1-бетда

чарх, минг йиллар сўнгиде топилаган тупроғимни хамир қилиб ўша фироқ тоғида ошиқлик рамзи бўлган Фарходни — ул кўҳжан, яъни тоғ кесувчини яратгилки, менинг янги умрим ҳам муҳаббатга фидо бўлсин, ёр ишқи йўлида меҳнат билан ўтсин.

Фироқ тоғида топилса тупроғим, эй чарх, Хамир этиб яна ул тоғда кўҳжан қилгил.

Ошиқ кўнгли тупроқ бўлиб ёр оёғи остида ётибди. Шоир лутф ила ёрга мурожаат қилади:

Юзинг висолига етсун десанг кўнгуларни, Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилгил.

Бу байт фикрнинг нозик аширинганлиги билан нақадар гўзал. Шоир кўнгуларнинг ёр оёғи остида тупроқ бўлиб ётганини ҳам, ёр сочининг нақадар узунлиги, агар бурама-бурама, тўлқин-тўлқин қилиб ташлаб қўйса то ёргага етишини ҳам ошкор айтмайди. У фақат "ошиқ кўнгулар юзинг висолига етсун десанг, сочингни боштин оёғингизга қилгин" дейди. Шоир тасаввурда ёр сочининг учига етишган ғубор — яъни ошиқ кўнгли жингалак

Ижтимоий тармоқларда ЭШМАТМИСИЗ, ШАРАПАТМИ?

Эрталаб ТВда ("Миллий" да бўлса керак, адашган бўлсам, узр) хориж киноси ўзбекча таржимада бериларди. Чакалок тугилганда ҳамма: "Ким тугилди?" деб сўраётди. Русчадан шундай ўгиришган-да. Ўзбекчага "Уғилми, қизми", деб ўгириш керак эди. Ўзбекчада ким, деб исми билан айтилиши назарда тутилади. Биров сизни ким, деб сўраса, ўгилман, қизман, деб жавоб бермайсиз-ку?! Эшматман, Шарапатман, дейсиз.

ҚАРАШ ВА ТАЛҚИН

Бир оёқ кийим фабрикасининг бошлиғи фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида икки ходимини Африка бозорларини ўрганиш учун юборибди.

Биринчи ходим топшириқни бажариб, қуйдагича ахборот берибди:

— Бу ердан бизга наф йўқ. Чунки, деярли ҳаммаси яланғоқ юраркан...

Бир неча кундан сўнг иккинчи ходим аяни вазифа билан қайтиб келибди ва шундай дебди:

— Иккони қўлдан бермаслик керак, шошилайлик, у ерда кўпчиликнинг оёқ кийими йўқ экан...

@haqiqatonline

Таассурот

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 4-босқич курсантларидан 72 нафари имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, қишки таътилда Самарқанд шаҳрига саёҳатга боришди.

КУРСАНТЛАР САМАРҚАНДГА БОРИШДИ

"Афросиёб" тезорар поездда бир зумда манзилга етиб борган курсантларни Марказий ҳарбий округ ва Самарқанд шаҳар Мудофаа ишлари бўлими масъул офицерлари кутиб олишди. Даставвал, буюк саркарда Амир Темури қабрини зиёрат қилишди. Сўнг Регистон майдони, Бибиҳоним мақбараси, Шохизинда меъморий обидалари билан танишишди.

Саёҳатнинг иккинчи кунда курсантлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрини зиёрат қилишди. Шунингдек, Биринчи Президентимиз тахсил олган 21-сонли мактаб ўқувчилари билан учрашди. Мактаб музейига "Менинг билим юртим — менинг фахрим" номли китобни совға қилишди.

Бундан ташқари, улар шаҳардаги 37-сонли мактабга таълим муассасасидаги жамъи тарбияланувчилар хузурида ҳам меҳмон бўлишди.

— Давлатимиз раҳбарининг Ички туризми ривожлантириш бўйича тегишли фармонларига асосан, қишки таътил кунларида юртимизнинг тарихий шаҳарларига экскурсиялар уюштиришни режамизга киритганмиз, — дейди билим

юрти бошлиғининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Акром Шоҳақимов. — Миллий маданиятими ва қадриятларимизга, тарихимизга ҳурмат ҳиссини оширишда бундай саёҳатларнинг аҳамияти жуда катта. Эكсперсия давомида курсантлар нафақат шаҳарнинг бой тарихи билан танишишди, балки уларда маданият, эстетик дид шаклланиб, маънавият юксалди.

— Самарқандга биринчи бор келишим, — дейди курсант Ихтиёр Раҳимов. — Телевизорда кўп кўрганман. Аммо, бу тарихий иморатларни яқиндан кўриш ва деворларига қўл теккизиш катта таассурот берди. Қолаверса, Амир Темури бобоми қолдирган мерос, у кишининг ҳарбий маҳорати биз учун ибрат мактаби саналди.

Курсантлар икки кунлик саёҳатдан бир олам таассуротлар билан қайтишди. Ота-оналари ва яқинлари учун Самарқанд нони, турли ширинликлар ва совғалар ҳам олишди.

Шоҳиства ОРТИҚОВА

КИТОБГА ОШУФТА ДИЛЛАР

Пискент туманидаги 30-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида "Китоблар қарвони" акцияси ташкил этилди. Мусиқа мактаби остонасида миллий либосда қўлларини кўксига қўйиб, таъзим бажо қилган қизлар, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари терилган китоб кўргазмалари, маърифатни мадҳ этиб янграётган шеърлари кўшиқлар — барчаси маънавият байрамидан дарак берарди.

Эзгулик

Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ўтказилган бу акцияга туман мактабларининг раҳбарлари, кутубхоначилари, ўқувчи-ёшлар ҳамда китобга ошно инсонлар ташриф буюришди.

Тадбирда сўз олганлар ёшларни юксак ахлоқий маданият ва миллий истиқлол гоилари руҳида тарбиялаш, уларнинг қомил инсон бўлиб етишишида яратилган имкониятлар, имтиёзлар хусусида тўхталиб, бу борада китоб ва китобхонлиқнинг аҳамиятини алоҳида таъкидладилар.

"Ёш китобхон" республика кўриктанловининг вилоят босқичи совриндорлари, М. Толибова ҳамда Ш. Оғабеквалар ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб беришди. Ўзбек адабиётининг сара асарларидан парчалар, монологлар ўқиш, тенгдошларини ҳам китобхонликка чорладилар.

Акция доирасида тумандаги 38 та



умумтаълим мактабларига Ёшлар иттифоқининг сертификатлари ва "Ёшлар кутубхонаси" лойиҳаси доирасида чоп этилган 36 номдаги китоблар жамланмалари топширилди. Шунингдек, "Китоблар қарвони" акциясида вилоятимиздаги 869 та мактабга жами 31 минг 978 та, Пискент тумани бўйича 1 минг 368 та сара адабиётлар жамланмаси тақдим этилди.

Манзура РУСТАМОВА

ТУРК СЕРИАЛИНИНГ СОҒЛИҚҚА ФОЙДАСИ

Бир аёлни мазаси қочибди. Эри уни докторга олиб борибди: Кўрич! Зудлик билан операция қилиш зарур. Лекин анестезиолог уйига кетган. Наркозни қутуш салбий оқибатга олиб келади. Нима қилишни билмай туришганида аёл ётган палатадаги телевизорда турк сериали бошланиб қолибди. Вой-войлаб ётган ошани бирдан сергак тортиб: "Жим, сериал бошланди", деб экранга қадалибди. Эр эса миясига келган фикрдан қувонди.

— Топдим! Доктор, уни сериал кўраётганда операция қилинг! Ҳеч нарсани сезмайди, — дебди.

Ростдан ҳам опахон операция тугагунча қилт этмабди.

Ишни тугатган жарроҳ: — Опа, аҳволингиз яхшими? — деб сўраса, опаиз тушмагур: — Эҳ, сериални писта чакмасдан кўриш — бўмапти, — дермишлар.

КРИШТИАНУ РОНАЛЬДУ... ПАХТАКОР...ДА

Футбол юлдузи Криштиану Рональду "Пахтакор" футбол клуби билан 5 йиллик шартнома имзолабди. Журналистлар интервью олапти:

— Сиз "Пахтакор"га қандай келиб қолдингиз?

— Тасодифан. Тошкентга борганимда мухлисларга дастхат бергандим. Шуларни ичида битта мухлис 5 йиллик шартномани узатса, билмасдан қўл қўйиб юборибман.

— Сиз бўлмаса, қанча маош ваъда қилишди?

— Ойлик маошим 756 минг сўм экан. Унинг ҳам ярми пластикка тушармиш...

@haqiqatonline

<p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p> <p>Муассис:</p> <p>Тошкент вилояти ҳокимлиги</p>	<p>Бош муҳаррир</p> <p>Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</p>	<p>Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.</p>	<p>Қабулхона:</p> <p>71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)</p>	<p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир</p> <p>Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА</p> <p>Назоратчи мусаҳҳиҳ</p> <p>Аллома АЗИЗОВА</p> <p>Саҳифаловчи</p> <p>Тоҳир МАҲМУДУҲЖАЕВ</p>
		<p>Электрон почталар:</p> <p>thaqiqat@umail.uz</p> <p>th-tp@mail.ru</p>	<p>Телефонлар:</p> <p>71 233-64-95, 71 233-70-10</p> <p>71 233-55-38</p> <p>71 233-38-23, 71 233-48-08</p> <p>71 233-65-59</p> <p>71 233-54-10</p>	<p>Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p>	